

## 2015 йилда ишлаб чиқаришга туширилган ҳужжатли фильмлар рўйхати

№	Фильм номи	Киностудия	Ижодий гуруҳ	Қисқача мазмуни	Давомий-лиги
1	“Аёл қалбидаги мусиқа”	“Хулқар-фильм” МЧЖ	Сценарий муаллифи: И.Дадажонов Режиссёр: Ж.Пўлатова Оператор: Т.Иноғомов	Фильм узок ўтмишдан бизга мерос бўлиб келаётган алла, унинг тарихи ва фарзанд камолотидаги ўрни ҳақида ҳикоя қилинади.	26 дақиқа
2	“Аёл бахти”	<i>Илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: С.Дадаева Режиссёрлар: Д.Пўлатов, Д.Шокиров Оператор: Саид Далилхон Саид Турғутхонов	Фильм бухоролик тадбиркор аёл Насиба Яҳёеванинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.	13 дақиқа
3	“Орзулари ушалган одамлар”	<i>Илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Б.Юнусов Режиссёр: М.Одилов Оператор: М.Зунунов	Фильмда қишлоқларда олиб борилаётган бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари, яратилаётган қулай шарт-шароитлар, замонавий турар жойлар ҳақида сўз боради.	13 дақиқа
4	“Юрагимнинг тори – дўмирам”	<i>Илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Ж.Эшонкулов Режиссёр: Д.Шокиров Оператор: С.Ковалов	Фильм эл суйган бахши – Абдуназар Поёновнинг самарали ижоди, у орқали бизга етиб келаётган миллий санъатимиз дурдоналари ҳақида.	26 дақиқа
5	“Тулпор”	<i>“Қорақалпоқфильм” киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Б.Мадияров Режиссёр: Т.Калимбетов Оператор: А.Асқаров	Қорақалпоғистонлик отларга меҳр кўйган, уларни тилини топишга муваффақ бўлган отбоқар киши ҳақида ҳикоя қилади. Фильм диктор матнидан ҳоли бўлиб, қаҳрамон ички дунёси, от жонзотининг ажойиб олами профессионал операторлик иши ва мусиқа ёрдамида гавдалантирилган.	13 дақиқа
6	“Бир актёр театри”	<i>“Қорақалпоқфильм” киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Б.Баймурзаев Режиссёр: Б.Баймурзаев Оператор: А.Асқаров	Мазкур фильм қорақалпоқ бахшичилик санъати ҳақида ҳикоя қилади.	13 дақиқа
7	“Қоратоғ сирлари”	<i>“Қорақалпоқфильм” киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Б.Баймурзаев Режиссёр: Б.Баймурзаев Оператор: А.Асқаров	Қорақалпоғистондаги Қоратоғ тизмалари, унинг мўъжизакор табиати ҳақидаги фильм	13 дақиқа

8	“Ой тақвими”	“Фазо-видео” МЧЖ	Сценарий муаллифлари: Ш.Эгамбердиев, С.Илёсов Режиссёр: М.Тўйчиев Оператор: Қ.Ҳасанов	Сўнгги йилларда турли мамлакатларда мусулмон байрамлари саналарининг ҳар хил кунларга тўғри келиши – мусулмон ватандошларимизни таажжубга солиб келмоқда. “Ой тақвими” номли хужжатли фильмда мазкур масала тарихий аспектда ёритилади. Ушбу мавзуга тарихий алломаларимиз қандай ёндашганликларини қайд этиш билан бирга масаланинг замонавий талқини оммабоп шаклда очиб берилади.	13 дақиқа
9	“Умр бекатлари”	<i>Илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Л.Қобилова Режиссёр: М.Эркинов Оператор: Р.Мирзакамолов	Фильм юз билан юзлашган онахон Халима ая Қаюмованинг ҳаёти ҳақида бўлиб, у “2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили” давлат дастури доирасида тайёрланди.	13 дақиқа
10	“Ўзбекистонликлар” (“Аҳил оила”)	<i>Илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: К.Шамсиддинов Режиссёр: М.Одилов Оператор: С.Ковалов	Фильм юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларига яратиб берилган муносиб шароитлар ҳақида ҳикоя қилади.	13 дақиқа
11	“Кўшинларда амалий портлатиш ишларини ташкиллаштириш” (Кўшинларда техник машғулотлар) ўқув фильм	<i>Илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Б.Юнусов Режиссёр: Ҳ.Эргашев Оператор: М.Зунунов	Мазкур фильм ҳарбий билим юртларида олиб борилувчи ўқув машғулотлари учун тайёрланди.	2 қисмли ўқув фильм
12	“Аскарнинг руҳий ҳолати”	<i>Илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: З.Бобожонова Режиссёр: Ҳ.Эргашев Оператор: М.Зунунов	Ҳарбий хизматни ўтаётган зобитларнинг руҳий ҳолати ҳақидаги ўқув фильм	2 қисмли ўқув фильм
13	“Дониш дарахти”	“5-студия” ЁТИУ	Сценарий муаллифи: С.Ёқубов Режиссёр: М.Қорабоев Орператор: М.Юсупов	Адабиётшунос олим Наим Каримовнинг сермахсул ҳаёт йўли, илмий-ижодий изланишлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм-портрет.	26 дақиқа
14	“Олимп сари”	<i>Илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифлари: Ф.Сатторов, О.Эшматов Режиссёр: Р.Мирдадаев Оператор: М.Мирзараҳимов	Фильм Олимпия ўйинларида ғолиб бўлиб қайтган юртдошларимиз ҳақида ҳикоя қилади.	26 дақиқа

15	<b>“Фитна”</b>	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Б.Юнусов Режиссёр: Д.Шокиров Оператор: С.Ковалов	Фильм бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлган, ИШИД ташкилоти томонидан олиб борилаётган террористик ҳаракатлар, уларнинг ёшларга салбий таъсири ҳақида ҳикоя қилиб, томошабинларни огоҳликка чорлайди.	<b>26 дақиқа</b>
16	<b>“Меҳмонхона хўжалиги”</b>	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи ва режиссёр: Д.Ризаев Оператор:	Мазкур ўқув фильми меҳмонхона фаолияти, иш юритиш, миқозларга тўғри хизмат кўрсатиш ҳақида.	<b>2 қисмли ўқув фильм</b>
17	<b>“Эгарчи уста”</b>	<i>“I.M – DO‘ST FILMS” МЧЖ</i>	Сценарий муаллифи: Ш.Бўтаев Режиссёр: И.Расулов Оператор:	Фильм новқалик эгарчилар сулоласи ҳақида бўлиб, унда эгарнинг қайси соҳаларда қўл келиши, мазкур ҳунарнинг тарихий илдизларига назар солинади.	<b>13 дақиқа</b>
18	<b>“Монолог”</b>	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Э.Хушвақтов Режиссёр: А.Гамиров Оператор: М.Юсупов	Фильм Ўзбекистон халқ артисти, истеъдодли актёр Ёқуб Аҳмедовнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига бағишланади. Ушбу фильм актёр ҳақидаги илк хужжатли фильм эканлиги ва унда санъаткорнинг ички олами чуқурроқ акс эттиришда монолог услубидан фойдаланилганлиги билан аҳамиятлидир.	<b>26 дақиқа</b>

19	“Тафаккурнинг теран томирлари”	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: А.Йўлдошев Режиссёр: А.Ғаниев Оператор: С.Ковалов	Мазкур фильм-портрет математик олим Маҳмуд Салоҳиддиновнинг илмий изланишлари ҳамда унинг ҳаёт йўлига бағишланади. Фильмда олимнинг илм соҳасида қилган янгилиги яъни, 1967 йили у томонидан ҳимоя қилинган “Аралаш – қўшма типдаги учинчи тартибли тенгламалар назариясига оид” докторлик диссертациясининг афзалликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади.	26 дақиқа
20	“Маъсумлик ортидаги шижоат”	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: К.Шамсиддинов Режиссёр: М.Одилов Оператор: С. Ковалов	Фильм Ўзбекистон халқ артисти, дилбар актриса Рихси Иброҳимованинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига бағишланади. Ушбу хужжатли кинокартина маъсум актриса Р.Иброҳимова тимсолида яшовчи ички кучли шижоатни акс эттиришни асосий мақсад қилиб олганлиги билан ўта аҳамиятлидир.	26 дақиқа
21	“Нур ва соя”	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: С.Ёқубов Режиссёр: Д.Шокиров Оператор:С.Ковалов	Ушбу фильм бугунги кунда турли бузғунчи ғоялар, паст савияли “оммавий маданият” ва зарарли иллатларнинг ёшларга салбий таъсирини олдини олишга қаратилган.	26 дақиқа

22	<b>“Табиат – табиб”</b>	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи ва режиссёр: Х.Валиев Оператор: С.Суннатиллаев	Фильм табиатда учровчи доривор гиёҳларнинг хусусиятлари, улардан тўғри фойдалана билиш, қўллаш ҳақида батафсил ҳикоя қилади.	<b>26 дақиқа</b>
23	<b>“Куч – адолатда”</b>	<b>“Ўзбекфильм” киностудияси</b>	Сценарий муаллифи: Икром Бўрибоев Режиссёр: Жаҳонгир Қосимов Оператор: Ёдгор Носиров	Ўзбекистон Республикаси мустақил-лигининг 23 йиллигига бағишланган ушбу фильмда ўтган асрнинг 80-йиллари собиқ Марказдан келган “десантчилар” дея ном олган сиёсий гуруҳ томонидан эл-юртимизга нисбатан қилинган ноҳақ зулм ва зўравонликлар, халқимизнинг орномуси, шаъни ва нафсонияти аёвсиз топталгани ҳақидаги ҳақиқатни очиб бериш орқали ўша даврнинг мураккаб манзарасини ҳаққоний ифода этиш, бундай машъум кунларнинг яна қайтарилмаслиги учун курашиб яшаш зарурлигини тарихий лавҳалар, жонли мисоллар орқали акс эттирилади.	<b>65 дақиқа</b> <b>(2014-2015й.й.)</b>
24	<b>“Истеъдод қирралари”</b>	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи ва режиссёр: Т.Юнусов Оператор: Д.Нодиров	Фильм Ўзбекистон халқ артисти, истеъдодли актриса Яйра Абдуллаеванинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига бағишланади. Актриса тимсолида Миллий театрнинг 65 йиллик тарихи гавдаланади.	<b>26 дақиқа</b>
25	<b>“Шаҳрисабз – қадимий, бетакрор, навқирон”</b>	<b>“Синема-сервис”МЧЖ</b>	Сценарий муаллифи: М.Тўйчиев Режиссёр: Н.Аббосов Оператор:?	Фильм қадимий ва кўҳна Шаҳрисабзнинг тарихи, бугунги кундаги замонавий кийёфаси, улуғворлиги ҳақида ҳикоя қилади.	<b>26 дақиқа</b>

26	“Самарқанд – боқий кўшиқ”	“Синема-сервис”МЧЖ	Сценарий муаллифи ва режиссёр: Ф.Фахрутдинова Оператор: А.Содиқов	Мазкур ҳужжатли фильм “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг 10-бор ўтказилиши тантаналарига бағишланади.	13 дақиқа
27	“То абад мафтунингман”	“5-студия” ЁТИУ	Сценарий муаллифи ва режиссёр: Р.Аскарлов Оператор: М.Юсупов	Фильм истеъдодли актриса Клара Жалилованинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу ҳужжатли фильм актриса ҳақидаги илк ҳужжатли фильм эканлиги билан аҳамиятга моликдир.	26 дақиқа
28	“Орол фарзанди”	“Қорақалпоқфильм” киностудияси	Сценарий муаллифи: М.Низанов Режиссёр: Б.Баймурзаев Оператор: А.Аскарлов	Мазкур ҳужжатли фильм Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Т.Жумамуродовнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган.	13 дақиқа
29	“Боболар дуоси”	“Қорақалпоқфильм” киностудияси	Сценарий муаллифи: Г.Тажетдинова Режиссёр: Б.Баймурзаев Оператор: А.Аскарлов	Ушбу ҳужжатли фильм қорақалпоқ киноижодкорлари томонидан “Кексаларни эъзозлаш” йилига мувофиқ ишланган бўлиб, унда Шўманойнинг чекка бир овулида туғилиб ўсган, кейинчалик ҳаётини илмга бағишлаган таржимон ва муҳаррир 92 ёшли Назарбой ота Тожибоев умр йўллари акс эттирилган. Назарбой ота ҳаётини безаган ва улғувор қилган омил боболар дуосини олганлигида эканлиги ва дуода катта ҳикмат мужассамлиги фильмнинг мазмунини ташкил этади.	13 дақиқа

30	“Сўзана”	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: М.Тошпўлатова Режиссёр: Д.Шокиров Оператор: С.Суннатулаев	Фильмда амалий санъат турининг ҳамма даврда кенг мушоҳадага чорловчи каштадўзлик ифодаси саналган сўзана ҳақида ўзига хос тарзда сўз юритилади. Инсоннинг буюк қалби мўйқалимида маромига етадиган сўзана бағридаги ҳар бир ранг, ҳар бир орнамент рамзий маънода қўлланиши, унинг ўзбек оиласида тутган мавқеъи ва ҳудуд бўйича мактаблари хусусида маълумот берилади.	<b>13 дақиқа</b>
31	“Ташаббус-гараққиёт гарови”	<i>Илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси</i>	Сценарий муаллифи: Б.Бабаев Режиссёр: Д.Шокиров Оператор: С.Ковалов	Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий “Ташаббус” кўрик –танлови ҳақида. Фильмда “Ташаббус-2015 “ кўрик танловидаги кизиқарли жараёнлар, иштирокчи фермер, тадбиркор, хунармандларнинг фаолияти, келажакдаги режалари ва танловнинг улар фаолиятида тутган ўрни атрофлича ёритилган.	<b>13 дақиқа</b>
32	“Ҳаким ат-Термизий” (“Жайхун йўлдоши”)	<i>“Ўзбекфильм” АЖ</i>	Сценарий муаллифи: Э.Шукуров Режиссёр: Ш.Маҳмудов Оператор: Рустам Магадиев	Фильмда Ҳаким ат–Термизий ҳаёти ва фаолияти, унинг илмий рисолалари ҳақида кенг ёритилади.	<b>26 дақиқа</b>
33	“Сурхондарё – тамаддун бешикларидан бири”	<i>“Ўзбекфильм” АЖ</i>	Сценарий муаллифи: М.Одилов Режиссёр: Б.Одилов Оператор: С.Суннаттуллаев	Юртимизнинг жанубий дарвозаси саналган Сурхондарё ва унинг қадимий қадамжолари, зиёратгоҳлари-ю, воҳадан топилган ноёб, тарихий ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилинади.	<b>26 дақиқа</b>
34	“Занги ота маънавияти”	<i>“Ўзбекфильм” АЖ</i>	Сценарий муаллифи: А.Саидов Сценарий муаллифи: А.Саидов Режиссёр: Жавоҳир Қосимов Оператор: М.Юсупов	Улуғ авлиё, шайх, тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири Ҳазрат Занги ота маънавияти ва унинг моҳияти ҳақида.	<b>26 дақиқа</b>

35	“Таҳаюл”	“Бухорийлар авлоди” МЧЖ студияси	Сценарий муаллифи: И.Дадажонов Режиссёр: Баҳодир Зокиров Оператор: Рифкат Ибрагимов	Кўнгиш ва ақл ҳаяжонларининг мусиқадаги мумтоз акси мақом ҳақида ҳикоя қилинади.	26 дақиқа
----	----------	-------------------------------------	--	---	-----------